
Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудирининг тайинланди

Халқ таълими вазирининг тегишли буйруғига асосан, Сиддиқова Наргиза Аъзамжоновна Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудирининг лавозимига тайинланди.

Ушбу тайинлов бугун туман халқ таълими бўлимида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов, туман сектор раҳбарлари, туман ҳокимлиги масъуллари, умумтаълим мактаблари директорлари ва соҳа вакиллари, фахрий устозлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокидаги йиғилишда эълон қилинди.

Наргиза Сиддиқова 1972 йил Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида туғилган. 1994 йилда Қўқон давлат педагогика институтини тамомлаган. Халқ таълими тизимида турли масъул лавозимларда меҳнат фаолиятини олиб борган.

Жорий йилнинг июн ойидан туман халқ таълими бўлими мудирининг вазифасини бажарувчиси вазифасида ишлаб келаётган эди.

2021-12-25 15:39:21